# ХАЛҚ КОНТРОЛИ саҳифаси

№ 7 (267)


РЕСПУБЛИКА ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИДА

## БЕКОР ТУРГАН ТЕХНИКА

Республика Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети қурувчилари ерлардан оқилона фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материалларини тежаб-тергаб ишлатиш борасида қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. 1984 йил ва жорий йилнинг дастлабки тўрт ойи мобайнида 25,8 минг гектар суғориладиган янги ерлар очилди, 79 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Лекин Сув хўжалиги қурилиши давлат комитетининг айрим участкаларида мелиорация техникасидан унумли фойдаланилмаётир, ёнилғи мойлаш материаллари исроф қилинмоқда. Иш вақти баъзан беҳуда йўқотиляпти. Жойларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш талаблар даражасида эмас. Жумладан, «Промгражданстрой» трестининг 3-механизациялашган кўчма колоннаси ўтган ўн беш ой мобайнида тупроқ ишлари планини бажара олмади. Бунга сабаб техника ва ишчи кучидан, иш вақтидан унумли фойдаланилмаётганлигидир. Колоннада бир машина иш нормаси 54 процент бажарилган, холос.

Умуман, сув хўжалиги комитети бўйича текширилган муддатда ҳар бир скрепер пландан ортиқча 11 кун, бульдозер 4 кун, экскаватор бир кун туриб қолган. Меҳнат интизомининг бузилиши, ишчиларнинг сабабсиз ишдан қолиши туфайли ҳам техника кўп вақт бекор туриб қолаётир. Агар мана шу резервлар тўлиқ ишга солинганда, ўтган йили қўшимча 5 миллион сўмлик иш бажариш мумкин бўларди. Трест ва бошқармаларда ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш, улардан тежамкорлик билан фойдаланиш ёмон аҳволда.

«Наманганводстрой» трестида мелиорация техникасини сақлашга жиддий эътибор берилмаяпти. Трестнинг текшириб чиқилган бошқармаларида 70 процент техникада счетчик, техник паспорт йўқлиги маълум бўлди. Механизаторларнинг ишга келиш ва ишдан кетиш вақтлари, бажарган ишлари аниқ ҳисоб-китоб қилинмайди. Бу аҳволни «Сирдарьярисстрой» трестида ҳам учратиш мумкин.

Тежамкорлик учун кураш, давлат мулкини кўз қорачиғидек сақлаш барчанинг масъулиятли вазифасидир. Иш вақтидан, техника ва механизмлардан унумлироқ фойдаланиш ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликни оширишнинг муҳим резервларидан биридир. Республика халқ контроли комитетида бу соҳага масъулиятсизлик билан қараётганликлари учун Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Н. Раҳматов механизация бошқармаси бошлиғи Г. Булкинга ва бошқа раҳбар ходимларга тегишли чора кўрилди.

## САМАРАСИЗ САРФЛАР

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги ишлаб чиқаришда сифат ва самарадорликни ошириш соҳасида муайян ишларни олиб бормоқда. Аммо министрлик тармоқларида пул маблағларидан фойдаланишда камчиликларга йўл қўйилмоқда. Текшириш натижасида айрим қурилиш ташкилотларида план, штат-смета интизомининг бузилаётганлиги, иш ҳақи фонди ортиқча сарфлаб юборилаётганлиги аниқланди.

12 та қурилиш ташкилотининг январь-апрель ойларидаги нарядлари ўрганиб чиқилгач шу нарса маълум бўлдики, бу ташкилотларда иш ҳақи фондининг 229 минг сўми ғайри қонуний равишда сарфлаб юборилган. Иш ҳақининг ортиқча сарфланиши ишлаб чиқаришни, ташкил этиш, моддий-техника таъминотидаги жиддий камчиликлар туфайли юзага келаётир. Қурилишда ҳамон нарядларга қўшиб ёзиш, техникадан унумли фойдаланмаслик, меҳнат интизомига амал қилмаслик, сифатсиз маҳсулот тайёрлаш каби салбий ҳолатлар мавжуд. Жойларда белгиланганидан ортиқ ходимлар ушлаб турилибди.

Иш ҳақи фондидан, айниқса, «Ташпромстрой» ташкилотларида нотўғри фойдаланиляпти. Ўтган йили 8 та ташкилотда иш ҳақи фондининг 1188 минг сўми ортиқча сарфлаб юборилди. Бирлашма бўйича сўнгги пайтларда иш ҳақи фондини ортиқча сарфлаб юбориш ҳоллари кўпайганлиги ташвишли ҳолдир, «Джиззакстрой» тресли, «Узградострой» саноат қурилиш-монтаж бирлашмаси каби коллективларда ҳам шундай аҳвол кўзга ташланади.

Министрлик аппарати қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятларини етарли равишда контрол қилмаяпти. Ўтказилаётган комплекс тафтишлар нафи сезилмаётир. Тафтиш чоғида аниқланган жиддий нуқсонларга жузъий камчилик деб эътиборсизлик билан қаралмоқда.

Республика халқ контроли комитети хўжалик юритишдаги ушбу хатоларнинг юзага келиб чиқишига сабабчи бўлган, назоратни бўшаштириб юборган министрлик бошқарма бошлиқлари ва бошқа мутасадди шахсларни жазолади. Министрликка ушбу нуқсонларни бартараф этиш борасида қандай тадбирлар амалга оширилаётганлиги ҳақида комитетни хабардор қилиш вазифаси топширилди.

Ичкиликбозлик—иллат

## МУРОСАСИЗЛИК МУҲИТИ

Шаҳар халқ контроли органлари илгари ҳам ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш бўйича кўпгина ибратли тадбирларни амалга оширган эдилар. Халқ контроли группаларининг аксарияти ичкиликбозларга қарши курашда уларни мукофотдан маҳрум қилиш, йиллик рағбатлантиришдан чегириш, дам олиш уйлари ва санаторийларга йўлланма бермаслик чоралари қай даражада амалга оширилаётганини назорат қилиб бормоқдалар. Масалан, «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси танда тайёрлаш фабрикасининг ишчиси Мирзараҳим Мирзаев ўтган йили ҳушёрхонада бўлганлиги учун ойлик мукофот — 41 сўм ва йил якуни бўйича бериладиган мукофот 123 сўмдан маҳрум қилинди.

Ипак комбинати ип-йигирув корхонаси халқ контроли бош группаси «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси пишитув-тўқув фабрикаси группаси «Ферганаоблкоопранс» автокорхоналар бирлашмаси халқ контроли группаси актив фаолият кўрсатиб, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш масалаларини тез-тез текширмоқдалар. Уларнинг натижалари группаларнинг кенгайтирилган мажлисларида муҳокама қилинмоқда. Бу коллективларда кейинги йиллар мобайнида ҳушёрхонага биронта киши тушмади. Давлат планлари сурункасига бажариляпти.

Натижада ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш анча яхшиланиб, маҳсулот таннархи камайиб боряпти. Ипак комбинати ипак-пишитув корхонаси ишчиларидан биронтаси ҳам кейинги икки йил ичида ҳушёрхонага тушмаганлиги бу коллективда меҳнат интизомининг мустаҳкамлиги, тарбия ишларининг юқори савияда олиб борилаётганлигидан далолат беради. Шу йилнинг ўтган беш ойи мобайнида корхонада планга қўшимча 615 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Биринчи сортли маҳсулот ишлаб чиқариш топшириғи 2,1 процент ошиғи билан бажарилди. 1300 килограмм қимматли ипак хом ашёси тежалди.

Халқ контроли комитети шаҳардаги ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашни талаблар даражасида олиб боришга интилмоқда. Бир мисол; шу йил апрель ойида Марғилон шаҳар кооператив савдоси идорасига қарашли Табиат инъомлари 1-магазинида (мудири — М. Аъзамова) текшириш ўтказилганда спиртли ичимликлар билан савдо қилишга рухсат бўлмагани ҳолда дўкондан 152 шиша арақ топилди. Ушбу текшириш материаллари шаҳар ички ишлар бўлимига оширилди.

Шаҳар халқ контроли комитети халқ контроли группалари ва постларининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашини кучайтириш мақсадида амалий тадбирлар ишлаб чиқди. Шаҳримизда 2,5 мингдан зиёд халқ назоратчиси бор. Бу катта куч.

Яқинда халқ контроли бош группалар раислари ва халқ контроли штатсиз инспекторлари билан кенгаш ўтказдик. Шаҳар прокурорининг ёрдамчиси К. Нарзиев «Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда халқ контроли органларининг вазифалари тўғрисида» доклад қилди. Бундан буён ҳам ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда шаҳар Советининг доимий комиссиялари, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, «Марғилон ҳақиқати» шаҳар газетаси, «Марғилон атласи» ва «Советский шёлк» кўп нусхали газеталар билан ҳамкорликда иш олиб бораверамиз. Ичкиликбозликка муросасизлик муҳитини яратиш халқ контроли группа ва постларининг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

**М. МАДАМИНОВ,**
**Марғилон шаҳар халқ контроли комитетининг раиси.**

> **«СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАРНИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ИНСОН СОҒЛИҒИНИ ХАРОБ ЭТИШИНИ, БЎЛАЖАК АВЛОДЛАРГА ҲАЛОКАТЛИ ТАЪСИР ҚИЛИШИНИ, ЖАМИЯТГА КАТТА МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЗИЁН ЕТКАЗИШИНИ АҲОЛИГА МАҲОРАТ ВА САБОТ БИЛАН ТУШУНТИРИБ БЕРИЛСИН».**
>
> (КПСС Марказий Комитетининг «Ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этиш тадбирлари тўғрисида»ги қароридан).

- НАЗОРАТЧИЛАР — ИЧКИЛИКБОЗЛИККА ҚАРШИ
- ТЕЖАМКОРЛИК — БОШ МЕЗОН
- АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИ
- КУЛЛАТИБ ВА ЧУЛЛАТИБ
- ҚИШЛОҚ КЛУБЛАРИГА БИР НАЗАР



«Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг 2-цехида эркаклар костюмининг ўндан ортиқ тури ишлаб чиқарилади. Цех ишчилари «Коммунистик меҳнат коллективи» номини шараф билан оқлаб келмоқдалар. Жумладан: халқ назоратчилари ҳам меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтидан унумли фойдаланиш учун курашда фидокорлик кўрсатмоқдалар. Улар томонидан ўтказилаётган текшириш ва рейдлар ўзининг ижобий самараларини бераётир.

**Суратда: корхона халқ контроли бош группасининг аъзоси Нафиса Раззоқова (чапда) ва цех халқ контроли группаси аъзоси Марғуба Исмоиловалар тикувчи-моторист Клара Ваҳобованинг ишини кўздан кечиришяпти.**

**В. Молгачев фотоси.**

## АЖАБ САВДОЛАР

### «БЕФАРОСАТ» СУВ



**● Ромитан районидаги Ленин номли колхознинг М. Ражабов бошлиқ 10-бригадаси аъзолари сувнинг «фаросатсиз»лигини исбот қилишди. Қандай қилиб дейсизми! Бунинг йўли осон экан. Бригада сувчилари маккажўхоризорга сув тараб қўйишгач, андак хордиқ чиқариш ниятида сояга ўтиб суҳбатга берилишди. У кечгача чўзилди. Ахир ташвиш тортадиган нарсанинг ўзи йўқ-да. Сув эгатларга тақсимланган. Қарабсизки, сув ҳам, суҳбат ҳам ўз йўлида давом этаверади. Натижада 10 гектар маккажўхоризорнинг ярми кўллаб, ярми чўллаб қолди. Лекин, сояпарварлар «айб» сувда бўлишига қарамай, район халқ контроли комитети колхоз бош агрономи Э. Эргашевни жазолаганига ҳайрон.**

### ОМБОРГА ҚАМАЛГАН ЧОЛҒУ



**● Қизилтепа районидаги маданий-оқартув муассасалари номигагина ишлаяпти, холос. Қишлоқ клублари, айниқса, ёмон аҳволда. Уларнинг кўпларида томоша заллари, тўгарак ишлари учун зарур хона ва ашёлар йўқ. Ўтган йили район маданият уйи томонидан 6 минг сўмлик музика асбоблари харид қилинган эди. Улар ҳанузгача омборда чанг босиб ётибди. Райондаги мавжуд уч кўчма клубнинг иккитаси ишламаётир. Кутубхоналар иши ҳам талабга жавоб бермайди.**

**Маданий-оқартув муассасалари ишини яхшилаш на район раҳбарларининг, на область маданият бўлими ходимларининг тушига ҳам кирмаётганлиги таажжубланарлидир.**

### ЗЕРИКАРЛИ ШИЙПОНЛАР




**● Ғўза парвариши қизғин давом эттирилаётган шу кунларда Гулистон районидаги Навоий номли колхоз далаларида бошқача аҳволни кўриш мумкин. Колхозчиларнинг кўпчилиги далага чиқмаётганлиги сабабли парвариш ишлари чўзилиб кетяпти. Трактор ва механизмлардан унумли фойдаланилмаяпти. Колхозда текшириш ўтказилган куни 7 культиватор ишга яроқсиз эканлиги аниқланди.**

**К. Маркс номли колхозда ҳам аҳвол худди шундай. Хўжаликда меҳнат интизоми бўш. Мавжуд техникадан унумли фойдаланилмаётир. Дала шийпонларида меҳнаткашларнинг дам олишлари учун етарли маданий-маиший шароит яратилмаганлиги учун колхозчилар уйларида тушлик қилиб келяптилар. Натижада қимматли иш вақти йўқотиляпти.**

**М. УНГАРОВ** чизган расмлар.

## РЕЗЕРВЛАРНИ АХТАРИБ

Группа «Комсомол прожектори» аъзолари билан биргаликда қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш ва ундан омилкорлик билан фойдаланишни текширишди. 48 кишилик рейд бригадаси далаларда қолиб кетган 17 та турли техникани паркка келтиришга эришди, механизаторлар уйида ётган 1440 сўмлик эҳтиёт қисмлар ҳам рўйхатга олинди. Иккита ҳайдов трактори, учта сеялка ва иккита чизел сифатсиз ремонт қилинганлиги аниқланди. Халқ назоратчиларининг таклифига биноан ушбу камчиликларни бартараф этиш айбдорларнинг зиммасига юкланди.

Натижада механизаторларнинг масъулияти ортиб, уларнинг иш унуми ва сифати яхшиланди. Кўкламги экиш кампаниясида бирорта ҳам техника бузилмаганлиги, бекор турмаганлиги шундан далолат беради. Қолаверса, назоратчиларнинг фаоллиги туфайли 11- ва 15-бригадаларда чигит экиш технологияси бузилишининг олди олинди. Қайта экиш учун кетган харажат бригада бошлиқларидан ундириб олинди.

Хива районидаги Фрунзе номли колхоз халқ контроли группасининг 127 аъзоси бор. Уларнинг 60 процентдан зиёди коммунист ва комсомоллардир. Бош группа составида 19 киши бўлиб, улар 6 сектор бўйича фаол иш олиб бормоқдалар. Сўнгги 16 ой ичида халқ назоратчилари 223 текшириш ва рейд ўтказдилар. Уларнинг натижалари бош группа бюросида, группа мажлисларида, энг муҳимлари эса партком ва правление йиғилишларида муҳокама этиб борилаётир.

### ГРУППАЛАР ФАОЛИЯТДА

Колхоз назоратчилари, айниқса, иқтисод ва тежамкорлик ишлаб чиқаришнинг янги-янги резервларини ахтариб топиш соҳасида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бир мисол. Партком топшириғига кўра, халқ контроли группаси пахтазорлардаги зараркунандаларга қарши биологик усулда курашишни назорат қилиб борди. Йирик пахта майдонларида мувaққат назорат постлари ташкил этилди. Натижада ҳосилдорлик 1,9 центнерга ортди, 6,2 минг сўмлик химикатлар тежаб қолинди. Назоратчилар ёнилғи ва мойлаш материалларидан тежамкорлик билан фойдаланишни ҳам доимо эътиборда тутяптилар. Бунинг натижасида ўтган йили 5289 тонна ёнилғи-мойлаш материали ва 1570 киловатт-соат электр энергияси иқтисод қилинди.

Лекин колхознинг 1-, 3-, 8- ва 15-бригадаларидаги халқ контроли группалари талаблар даражасида ишламаётир. Уларнинг аъзолари кўпинча майда-чуйда масалалар билан ўралашиб қолмоқдалар. Назоратчиларда ташаббускорлик, масъулиятни чуқур ҳис этиш туйғуси етишмаяпти. Қолаверса, бош группанинг етарли раҳбарлик қилолмаётганлиги ҳам бу камчиликнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Бош группа ўтказаётган рейд ва текширишларга, цех группалари ва пост аъзолари камдан-кам жалб этилаётир. «Халқ контроли саҳифаси» — деворий газетаси материаллари ва колхоз радио узелидан берилаётган эшиттиришлар сифати яхши бўлмаётир. Назорат ишида ошкоралик энг муҳим омилдир. Группа ўз рейд ва текширишларига касаба союз, комсомол активларини кўпроқ жалб этиши зарур. Ана шундагина уларнинг резервларни ахтариш йўлидаги кураши янада самаралироқ бўлиши, шубҳасиз.

**М. АЛИМОВ,**
**республика Халқ контроли комитети инспектори.**

## ЁҚА УШЛАГАН ҲАКАМЛАР

(ФЕЛЬЕТОН)

Болаларни чиниқтириш бўйича ўтказиладиган антиқа мусобақа бошланишига бир неча дақиқа қолганда ҳакамлар ўз жойларини эгаллашди. Шарҳловчи командалар состави билан таништирди.

— Майдонга Наманган ва Сирдарё области вакиллари таклиф этилади. Командалар состави маориф, мактабгача болалар муассасалари, савдо, медицина хизмати ходимларидан иборат. Мусобақа шартларини яна бир бор эслатиб ўтамиз. Областингизда болалар боғчаларининг аҳволи қандай, уларда кичкинтойларни ҳар томонлама чиниқтириш, бардам-бақувват ўстириш борасида қандай ишлар қилиняпти? Жавоблар қисқа ва лўнда бўлсин. Марҳамат!

Биринчи бўлиб Сирдарё область командасининг капитани, область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари Р. Одилова сўз олди. У командадоши область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Б. Слободянов билан шивирлашиб олгандан сўнг дадил гапира кетди:

Сирдарё районидаги 1- ва 5-болалар боғчаларида тойчоқларимизни ёшлигидан ҳар қандай қийинчиликларга бардошли қилиб тарбиялашга зўр беришмоқда. Боғча биноси омонат, болаларга каравот етишмаслигидан кўплари ерда ётишибди. Айтингчи, бундай шароитда чиниқмасдан яна қаерда чиниқиш мумкин?! Райондаги Крупская номли, К. Маркс номли колхоз болалар боғчаларида ҳам чиниқтиришнинг шундай усули жорий этилган.

— Кечирасиз — дея унинг сўзини бўлди Наманган область командаси капитани, область халқ маорифи бўлими мудирининг ўринбосари Р. Обиджонова, — агар бу метод фақат бизда оммалашган десангиз, янглишасиз. Мана, Норин районидаги 11-боғчани олиб кўринг. У ерда тарбияланаётган 122 бола учун бор-йўғи 72 та каравот, 72 та стул, 30 та қошиқ бор, холос. «Андижон» колхозининг 1-боғчасида эса 99 тарбияланувчи учун учта стол бор, бир дона ҳам стул йўқ. Болаларимиз боғчага мослаштирилган жойларда яшаб чиниқишсин, деб қурувчиларимиз янги боғча қурилишини чўзяптилар. Уларнинг фикрича, ҳамма қулайликларга эга бинода кичкинтойлар инжиқ, рамақижон бўлиб ўсишар эмиш. Шу сабабдан Чуст шаҳридаги 320 ўринли боғча қурилиши беш йилдан бери битмаяпти. Учқўрғондаги 280 ўринли боғча қурилишида ҳам шу аҳвол. Наманганда 160 ўринли янги боғча камчиликлари туфайли ҳануз фойдаланилмаяпти. Қурувчиларимиз: «Ҳозир ёз, болалар кўчада ухлагани маъқул, қишгача бир амаллармиз» дейишяпти.

**Р. Одилова:** — Бизнинг боғча опалар болаларни овқатлантиришда ҳам янги тажриба қўлланмоқдалар. Жумладан, уларга бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари мумкин қадар тежалмоқда. Увол қилиб юборишмасин дейишади-да. Ильич райони болалар боғчаларида тарбияланувчиларга нормадаги тухумнинг 52 проценти, балиқнинг 83 проценти, сузманинг 49 проценти берилмаяпти. Гулистон, Сирдарё районидаги боғчаларимизда ҳам шу тажриба оммалашган.

**Р. Обиджонова:** — Бизни жуда қолоқ деб ўйлаяпсизми? Яқинда Учқўрғон, Косонсой, Задарё, Тўрақўрғон, Уйчи районларидаги 25 боғча текшириб кўрилганда болаларга озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турлари 30-70 процентгача кам берилаётганлиги аниқланди. Агар ишонмасангиз командадошим, область қишлоқ хўжалик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари М. Мирзааҳмедовдан сўранг.

Тўрақўрғон районидаги 8-боғча завхози боғча ошхонасига магазиндан 200 килограмм картошка олиш ўрнига пулини олиб чўнтакка урган. Чуст шаҳридаги 7-болалар боғчасининг тарбияланувчилари ўта ошхўр чиқиб қолишди. Бўлмаса апрель, май ойларида 300 килограмм сабзини паққос туширишармиди. Шунча сабзини болалар ейиши мумкин эмас, дейсизми? Агар иккилансангиз боғчага боринг. У ерда сизга керакли ҳужжатларни кўрсатишади.

**Р. Одилова:** — Ўҳ-ҳў, ҳужжат бобида бизникилар ҳам устаси фаранг бўлиб кетишган. Жумладан, Оқолтин районидаги 2-боғчада 10 килограмм пряник болаларга берилди деб ёзилган. Болачалардан «Пряник едингизми?» деб сўрасангиз, бошларини сарак-сарак қилиб тамшаниб қўйишади, холос. Бу ҳолни мураббиялар ўзларича шундай талқин этишади: «Бола-да — бола, нимани еганини дарров унутиб қўяди».

**Р. Обиджонова:** — Чиниқтириш мақсадида болаларни медицина кўригидан ўтказишга ҳам етарли аҳамият бермай қўйдик. Боғчалардаги врач штатларининг 80 процентга яқини бўш. Область соғлиқни сақлаш бўлимидаги ўртоқларимиз касалликларга қарши болаларнинг ўзида иммунитет ҳосил қилишга интилмоқдалар. Қалай, зўр-ми, бизнинг шифокорларимиз.

**Р. Одилова:** — Ҳақиқатан ҳам шифокорларингиз болаларга ғамхўр экан. Аммо биздагилар ҳам меҳрибонликда улардан қолишмайдилар. Чунончи, областимиздаги кўпгина боғчаларда ҳатто биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур дори-дармонлар ҳам йўқ, санитария-гигиена қоидаларига амал қилиш ҳақида гапирмасак ҳам бўлади.

— Ўртоқлар вақт тугади! — дея уларнинг қизиб бораётган мунозарасини тўхтатди шарҳловчи соатига қараб. — Сизларга қолса эрталабгача баҳслашадиганга ўхшайсизлар. Кўриниб турибдики, областларингизда болаларга «ғамхўрлик»нинг жуда антиқа усуллари бор экан. Энди сизларнинг бу борадаги фаолиятингизга баҳо бериш мусобақа ҳакамларига ҳавола.

Мусобақа давомида баъзан ҳайратдан ёқа ушлаб, баъзан уялиб, баъзан эса диққатлари ошиб ўтирган ҳакамлар — Ўзбекистон ССР маориф министри ўринбосари Э. Галикеев, қишлоқ хўжалик министри ўринбосари И. Мансуров, соғлиқни сақлаш министри ўринбосари И. Савельева, «Ўзбекбирлашув» раисининг биринчи ўринбосари Г. Волковлар ўзаро кўз уриштириб олишди. Ҳеч ким сўзга чиқишга ботинолмасди. Ниҳоят, икки область болалар боғчаларидаги аҳволга, қолаверса мактабгача болалар муассасаларига мутасадди бўлган ўртоқлардан тузилган бу икки команда фаолиятига Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетида принципиал баҳо берилди.

**А. РАҲИМБЕРДИЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

## САҲИФА ПОЧТАСИДАН

**САМАРҚАНД.** Шаҳарда халқ контроли органлари иш тажрибасини оммалаштириш воситаларининг кўриги ўтказилди. Кўрикда район халқ контроли комитетлари, 250 дан ортиқ группа ўз стендлари, фотомонтажлари, фотоайбномалари, сатирик варақалари ва плакатлари билан иштирок этдилар.

Ушбу кўрик халқ контроли органлари ўз фаолиятларининг ошкоралиги ва оммавийлигини таъминлашда самарали ишлар қилаётганлигини намойиш қилди. Боғишамол район халқ контроли комитети, «Красний двигатель», «Кинап» заводлари, шойи тўқиш фабрикаси, 17-автобаза, «Узгипросельстрой» лойиҳа институти филиали каби корхона ва ташкилотлар халқ контроли группаларининг кўргазмали воситалари намунали деб топилди.

**ФАРҒОНА.** Областдаги айрим хўжаликларда ерлардан самарали фойдаланишга, материал ва пул ресурсларини тежамкорлик билан ишлатишга етарли аҳамият берилмаётир. Жумладан, Бағдод районидаги «Ленинград» колхозида алмашлаб экиш топшириқлари тўлиқ бажарилмаётганлиги сабабли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш давлат планлари бажарилмаяпти. Олтиариқ районидаги Энгельс номли колхозда эса гўшт, полиз ва сабзавот маҳсулотлари тайёрлаш вазифалари бажарилмаётир. Буларнинг ҳаммаси суғориладиган ерлардан омилкорлик билан фойдаланмаслик оқибатидир. Ленинград районидаги Ленин номли, Қува районидаги Карл Маркс номли, «Коммунизм» колхозларида ҳам колхоз Устави ва меҳнат интизоми бузилаётир.

Область халқ контроли комитети юқорида номлари қайд этилган хўжаликларнинг раҳбарларини йўл қўйилган камчиликлари учун жазолади.



Танишинг: Абдурашид Мелиев — Самарқанд лифтсозлик заводининг илғор ишчиси. Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати. У беш йиллик бошида «Бир беш йилликда икки беш йиллик шахсий топшириғини бажариш» ташаббуси билан майдонга чиққан эди. Айни кунларда эса 1990 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. У Москвада ўтказиладиган студент ва ёшларнинг XII Жаҳон фестивалида қатнашади.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ).

• ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРИМИЗ

# ХОТИРА

Ажаб саодат эрур қолса
яхшилик бирла от.

**Алишер НАВОИЙ**

Инсондан қоладиган бебаҳо ёдгорлик—яхши номдир. Ҳаётини эл хизматига бағишлаган, эзгу ишлари билан дунёда нурли из қолдирган кишилар ҳеч қачон унутилмайди, уларнинг ёрқин хотираси миннатдор авлодлар қалбида абадий яшайди.

Пролетариатнинг буюк доҳийлари, машҳур алломалар, партия ва халқнинг асл фарзандлари монументал санъат асарларида сўнмас ҳаёт касб этганлар. Хивага саёҳат 1925 йилда В. И. Ленинга ўрнатилган ёдгорликдан бошланади. Ҳамма ерда бўлганидек, Хоразм воҳасида ҳам халқ бахт-саодати учун оташин курашчилар — революция, партия ветеранларининг, уруш ва меҳнат қаҳрамонларининг порлоқ хотиралари абадийлаштирилган. Революция ветеранлари Аҳмаджон Иброҳимов, Жума Оташев, колхоз қурилишининг жанговар ташкилотчилари Искандар Дўсов, Олтибой Қурбонов, ўзбек киносининг қалдирғочи Худойберган Девонов, оташнафас куйчи Комилжон Отаниёзов номлари билан аталган мактаблар ва колхозлар, кинотеатр ва ансамбль бор. Революция ғалабаларини ҳимоя қилиш учун курашда ва Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлганларга ўрнатилган ёдгорликлар олдида минг-минглаб кишилар таъзим бажо келтиришади.

Хивадаги архитектура ёдгорликларини таъмирлаш кенг кўламда олиб борилаётганлиги меъморчилик санъати усталари истеъдоди ва заковатига ҳурмат, эътибор ифодасидир. Ал-Хоразмий ва Абурайҳон Беруний, Огаҳий ва Аваз каби бобокалонларимизни юксак эҳтиром билан эслаб, уларнинг илмий ва адабий меросидан баҳраманд бўлмоқдамиз.

Буларнинг ҳаммаси— партия ва ҳукуматнинг инсон хотирасини муносиб эъзозлаш, халқпарвар, маърифатпарвар даҳолар, шон-шуҳрат қозонган кишилар хизматини шарафлаш борасида қилаётган катта ғамхўрлиги тимсолидир. Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди— давримиз шиори, турмуш тарзимиз таомили шундай.

Кези келганда, ўтганлар хотирасини эсга олиш билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлар, бу жабҳада янги анъаналарни турмушга сингдириш тўғрисида баъзи мулоҳазаларни ўртага қўймоқчимиз.

Аввало, шуни айтиш жоизки, марҳумни охирги йўлга узатиш, дафн маросимини ўтказиш, уни эслаш бўйича сақланиб қолаётган урф-одатлар замон руҳига мос келмай қолди. Диний ақидаларга асосланган, хурофотчи текинхўрларга қўл келадиган одатларнинг эндиликда кераги йўқ. Масалан, жаноза ўқитиш маросимини дабдабали ўтказиб, муллаларга хайр-садақа бериш ортиқча дахмазадан бошқа нарса эмас. Сарпо тўйга ярашади, баднафс муллалар эса азада ҳам ўлжа талашади.

Маҳобат учун катта харажат сарфлаб, элни ошга чорлаш, ҳар пайшанба-якшанбада дуо-фотиҳа учун катта дастурхон ёзиш, ҳайит оши бериш каби расм-русумлар на фақат моддий, балки маънавий жиҳатдан ҳам зарарли. Ўйлаб кўрайлик-чи, ҳали мусибат ва аза аримаган уйда бу тариқа катта йиғинлар ўтказиш зарурмикан? Марҳумга бўлган ҳурмат бойликни тўкиб-сочиш, исрофгарчилик билан эмас, уни камтарона эслаш, қабрига ихчамгина хотира лавҳаси ўрнатиш, гуллар экиш, вафот этган кишининг оила аъзоларига таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдириш билан ифодаланганини маъқул-ку.

Марҳумни вафот этган кунида эслаш одат тусига кирган. Ўлим ҳамманинг бошида бор, табиий ҳодиса. Йиғи-сиғи, ҳасрат-надомат билан марҳумни тирилтириб бўлмаслиги маълум. Яхши одамнинг юраги уришдан тўхтаса ҳам, номи ўчмайди. Токи фарзандлари, дўстлари бор экан, унинг чироғи ёниқ, ўзи барҳаёт. Шундай экан, марҳумнинг хотирасини вафоти кунидамас, балки дунёга келган кунида эсга олган яхши эмасми? Чунки ўлим мусибат ва мотам, туғилиш эса ҳаёт ва мангулик рамзи ҳисобланади.

Яна видолашиш маросими ҳақида. Юракларга ларза соладиган бу қайғули дамларда ҳиссиётга асир бўлиб, атрофдаги воқеаларга лоқайд қараш заифлик, иродасизлик бўлур эди. Тирикликда сафимизда юрган, жамият манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилган, эътиқодли, яхши ниятли бир кишини вафотидан сўнг руҳонийлар измига, диний сарқитлар гирдобига ташлаш виждон кўтармайдиган иш. Бу маросимни янгича ўтказиш, мотам митингида марҳумнинг хизматлари ва фазилатларини эсга олиш — инсон ҳурматини ўрнига қўйиш билан бирга, тарбиявий соҳада ҳам муайян аҳамиятга эга.

Ўтганлар хотираси ҳақида гап борганида, қабристонларни обод қилиш масаласига эътиборни жалб этмоқчимиз. Бу соҳада кўп иш қилинди. Афсуски, қаровсиз қолдирилган хароба қабристонлар ҳали ҳам йўқ эмас. Шундай муҳитни вужудга келтириш керакки, марҳумларга оромгоҳ бўлган макон эгасиз қолмасин, унда ҳар хил ниқобдаги текинхўрлар уя қура олмасин. Қабристонда тикан эмас, гул-лолалар ўсишига ҳисса қўшиш, ўтганлар хотирасини ёдлаш ҳар бир кишига ҳам фарз, ҳам қарз, инсоний бурч.

Менда шундай таклиф бор: бахтимиз учун курашиб, бутун онгли ҳаётини фаровон ҳаётимиз учун бағишлаган кишилар, ота-оналаримиз — марҳумлар хотирасини эслаш куни белгилаб қўйилса. Хотира куни ҳаётдан кўз юмган энг муносиб кишилар хотираси эсга олинса. Уларнинг эл-юрт равнақи, фарзандлари камолига қўшган ҳиссалари эсланса... Бу ўзига хос тарбиявий аҳамиятга эгадир. Шунингдек, халқ депутатлари Советлари жамоатчилик асосида махсус комиссия тузиб, ҳамма қабристонлардаги аҳвол кўздан кечирилса, уларни обод қилишга доир аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчиллик билан амалга оширилса, хайрли иш бўларди. Дафн маросимига ҳам жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат комиссия бошчилик қилгани маъқул.

Инсон азиз, унинг хотираси ҳам. Социалистик турмуш тарзи бу масалага тўғри, оқилона ёндашишни, янги анъаналар ва урф-одатларни собитқадамлик билан ҳаётга сингдиришни тақозо этмоқда. Жамоатчиликнинг совет турмуш тарзини такомиллаштириш кенгашлари бу соҳадаги ишларга етакчилик қилишлари зарур.

**Саид ОЛЛОБЕРГАНОВ,**
**Урганч қурилиш техникуми директори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.**

СИЗГА ҚАНДАЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШЯПТИ?

# КЎЧМА ҲАММОМ МУАММОСИ

Қизилқумлик чўпонлар меҳнати жасорат ва юртга муҳаббат тимсоли. Улар бирбирларидан ва овул-қишлоқларидан қирқ-эллик ва ҳатто юз чақиримлаб олисда қум бўронлари, саратон жазирамаларига ўз иродаларини қарши қўйиб, сурув-сурув қўй боқишади.

Чўл баҳодирларига маданий-маиший, савдо хизмати кўрсатишни яхшилашга, уларнинг сиҳат-саломатлигини муҳофаза этишга, баракали меҳнат қилишлари учун шарт-шароит яратишга катта эътибор берилмоқда. Навоий областида, масалан, кейинги йилларда янги касалхоналар очилди, медицина асбоб-ускуналари билан таъминлаш яхшиланди, дорихоналар сони ошди. Лекин ҳозирги талаблар даражасидан қаралса, булар ҳали етарли эмас. Айниқса, чўпонлар соғлиғини мустаҳкамлаш учун профилактика ишларини тубдан яхшилаш лозим. Хусусан, Қизилқум шароитида кўчма ҳаммомлар ташкил этишга эҳтиёж катта.

1967 йилда Бухоро область қоракўлчилик совхозлари тресги «Медтехника» область бўлимидан кўчма ҳаммом сифатида фойдаланиш мақсадида йигирмата ускуна олган эди. Улар олис зоналарда меҳнат қилаётган чорвадорларга хизмат кўрсатиш учун хўжаликларга тарқатилди. Совхозлар бу ускуналарга сув ташувчи автомобиль ва палатка комплексини қўшса, бас: тайёр ҳаммом! Уни исталган ерга, олис ферма ва отарларга олиб бориш мумкин. Баъзи жойларда шундай қилишди ҳам. Бироқ кўчма ҳаммомлардан фойдаланишнинг ташкилий, техникавий хизмат кўрсатиш структураси ишлаб чиқилмаганлиги сабабли иш олға силжимади. Барча ускуналар қарийб хизмат кўрсатмасдан ишдан чиқди.

— Кўплаб отарлар совхоз марказидан 200—300 километр ва ундан ҳам олисда жойлашган, — дейди Томди район партия комитетининг биринчи секретари А. Елемисев. — Ҳозирча ҳар бир фермада ёки бир неча отар оралиғида кичик бўлса-да ҳаммом қуриш имкони йўқ. Чўпонларимиз олис йўл юриб, хўжалик ёки район марказига келишга мажбур бўлмоқда. Бизнинг район шароитида кўчма ҳаммом хизмати ташкил этилса, айни муддао бўларди. Тани сиҳатлик, энг аввало, санитария-гигиена қоидаларига риоя этилишидан бошланиши сир эмас-ку, ахир!

Айни пайтда район хўжаликларида тўрттагина ҳаммом бор. Бинолари бир ҳолатда, ремонттталаб бўлгани учун ҳам улар тўла қувват билан ишламайди. Областнинг бошқа районларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Нуротада олтита, Конимехда бешта, Учқудуқда атиги учта ҳаммом мавжуд. Умуман, областнинг чорвачилик хўжаликларида бир йўла 440 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган йигирмата ҳаммом бўлиб, қониқарсиз ишлаётганлиги сабабли ўтган йили план 29,2 процент, шу йилнинг олти ойлик топшириғи эса 60 процент бажарилди.

Кўриниб турибдики, чорвадорларга ҳаммом хизмати ёмон. Шундай экан, Навоий область қоракўлчилик совхозлари тресги ва «Облбитхимчистка» ишлаб чиқариш бирлашмасига кўчма ҳаммомлар хизматини йўлга қўйишга нима ҳалақит бермоқда?

— Бундан уч йил муқаддам, областимиз ташкил этилган пайтда худди шу масала кўтарилган эди, — дейди трест директори ўринбосари А. Романов. — Кейин бутунлай унутилди. Ҳозир трестимиз ҳисобида биронта ҳам кўчма ҳаммом йўқ. Сабабини «Облбитхимчистка» ишлаб чиқариш бирлашмасидагилар билса керак.

— Бу ҳақда биринчи маротаба эшитиб турибмиз, — дейди «Облбитхимчистка» ишлаб чиқариш бирлашмаси директори Ц. Авакян.

Чорвадорлар сиҳат-саломатлиги, талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ғамхўрлик қилиб боришга мутасадди бўлган ташкилотларда кўчма ҳаммом ҳақидаги суҳбатимиз шундан нарига ўтмади. Қизилқум шароитида тез ва самарали хизмат кўрсатишнинг энг яхши формаси бўлган кўчма ҳаммомлар ишини ташкил этиш хусусида ҳеч ким бош қотирмаяпти. Чўпонлар бўлса кўчма ҳаммомларнинг отарларга келишини орзиқиб кутмоқдалар.

**А. ҚОРЖОВОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# САВДО МАДАНИЯТИ ПАСТ

Тахтакўпир — Қорақалпоғистон автоном республикасида шоличиликка ихтисослаштирилган йирик районлардан бири. Шоликорлар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 70 минг тонна «қирмизи дон» етиштиришга аҳд қилганлар. Хўжаликлар, бўлим ва бригадаларда дала ишлари қизғин давом этмоқда.

Аммо шолипояларда ишлаётган меҳнаткашларга савдо хизмати кўрсатиш савияси пастлигича қолмоқда. Район матлубот жамияти гарчанд савдо-сотиқ планларини адо этаётган бўлса ҳам, шоликорларнинг таклиф ва истакларини бажариш, уларга хизмат кўрсатиш эътибордан четда қолаётир. Кун бўйи мўл ҳосил етиштириш йўлида тер тўкаётган кишилар ўзлари учун зарур буюмларни узоқ йўл босиб, магазинлардан, район марказидан сотиб олишга мажбур бўлмоқдалар, қимматли вақтларини беҳуда ўтказмоқдалар.

— Кўчма дўконларимиз бор-у, аммо ундан самарали фойдаланолмаётибмиз. Тўрттадан иккитаси бузилган. Қолган иккитаси ҳам яқиндан бери ремонттталаб, — дейди район матлубот жамияти раисининг ўринбосари И. Нурсеитов. — Шу боисдан иш бошида савдо хизматини йўлга қўйиш қониқарли бормаётир.

Қизиқ, район матлубот жамияти ишни ташкил этиш, кўчма дўконларни созлаб, ундан фойдаланиш ўрнига ташқаридан ёрдам кутиб ўтирибди. Ҳолбуки, матлубот жамияти йил бошида 1985 йил шоли экиш, уни парвариш қилиш даврида совхоз ишчилари ва овул меҳнаткашларига савдо хизмати кўрсатишни ташкил этиш тўғрисида алоҳида қарор қабул қилган эди. Унда шоликорларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинган, бевосита дала шийпонларида сотувчисиз дўконлар ташкил этиш, махсус маршрут бўйича автолавка хизматини йўлга қўйиш белгиланганди. Амалда бу қарор қоғозда қайд этилганича турибди.

Тахтакўпир район матлубот жамияти раҳбарлари қачон қарорлар қабул қилишдан бевосита амалий ишга ўтишар экан?

**Р. ЕШИМБЕТОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# ЎЧМАС САБОҚЛАР

## Потсдам конференцияси бошланганлигининг 40 йиллигига

**Бундан 40 йил муқаддам, 1945 йил 17 июлдан 2 августгача Потсдамда СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукуматлари бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференция ишида И. В. Сталин, Г. Трумэн, У. Черчилль ва кейинроқ унинг ўрнини эгаллаган К. Эттли қатнашдилар. Конференция қандай ўтганлиги ва Потсдам битимларининг аҳамияти ҳақида конференцияда қатнашган совет делегациясининг аъзоси, Фавқулодда ва мухтор элчи Ф. Т. Гусев ТАСС мухбирига ҳикоя қилиб берди.**

1945 йилнинг июли. Берлин жангларининг сўнгги садолари тинган, Карлхорстда фашистлар Германиясининг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақидаги ҳужжат имзоланган эди. Гитлерчиларга қарши коалициянинг ғалабаси туфайли мамлакатни демократик асосда тиклаш имконияти туғилиб, шу режа ишлаб чиқилаётган, Германия пойтахти ва унинг бошқа шаҳарларида ҳаётни изга солиш ишлари актив олиб борилаётган дамлар.

Айни шу пайтларда Берлин атрофидаги Потсдам шаҳрининг бир мўъжиза туфайли шикастланмай қолган Цецилиенхоф саройида коалициянинг уч етакчи давлат вакиллари учрашдилар.

Конференцияда уч давлат Германия бундан буён ҳеч қачон ўзининг қўшниларига ёки Ер юзида тинчликнинг сақланишига таҳдид этмаслиги учун «Германия милитаризми ва нацизми тугатилиши керак»лигини тасдиқлашди. Германияда сиёсий турмушни демократик асосда, шу жумладан, нацистлар партиясини ва унинг муассасаларини йўқ қилиб ташлаш, барча ҳарбий жиноятчиларни судга бериш, гражданлик эркинликларини таъминлаш асосида конкрет тадбирлар белгилаб олинди. Фашистлар рейхининг раҳбарларини суд қилиш учун халқаро трибунал тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Конференцияда СССРнинг талаби билан Германияни иқтисодий яхлит мамлакат деб эътироф этишга қарор қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, Ғарб давлатлари ўша вақтдаёқ Германиянинг ҳарбий-иқтисодий потенциалини сақлаб қолиб, келгусида ундан Совет Иттифоқига қарши курашда фойдаланиш мақсадини ўз олдиларига қўйганлиги намоён бўлган эди.

Потсдам конференциясида товон тўлаш масаласи хусусида кескин кураш борди. Ғарб давлатлари уруш вақтида энг кўп моддий зарар кўрган Совет Иттифоқининг адолатли талабларини анча вақтгача инобатга олмасликка интилиб кўришди. Бу масала юзасидан ўзаро келишилган қарор ишлаб чиқилди.

Конференция Кенигсберг (Калининград) шаҳрини унинг атрофидаги районлар билан Совет Иттифоқига ўтказиш масаласини тасдиқлади. Польшанинг ғарбий чегаралари Одер-Нейса чизиғи билан белгиланиб, унинг составига собиқ Шарқий Пруссия территориясининг бир қисми ҳам киритилди. Конференциянинг Ғарб иштирокчилари Потсдамда Польша миллий бирлик ҳукуматини, шунингдек, Марказий ва Жанубий-Шарқий Европа мамлакатларида халқ демократик тузуми барпо этилганлигини тан олишга мажбур бўлдилар. СССР милитаристик Японияга қарши урушга киришга шай турганлигини яна тасдиқлади.

Потсдам сабоғининг ҳозир ҳам актуаллиги шундаки, у турли ижтимоий тузумдаги давлатлар тинчлик ва умумий хавфсизлик манфаатлари йўлида мураккаб халқаро проблемаларни ҳал этишда муваффақиятли ҳамкорлик қилишлари мумкин ва лозимлигини тасдиқлади. Ялта, Потсдам, Хельсинки, Европа тарихидаги муҳим босқичлар бўлиб, шулар туфайли қирқ йилдан буён одамлар тинчлик шароитида яшамоқда.

Совет Иттифоқи Германиянинг шарқий қисмида Потсдам битимларининг ҳамма қоидаларини оғишмай амалга оширди. Бизнинг шеригимиз ва иттифоқчимиз бўлган ГДР изчил тинчликсеварлик йўлини ўтказиб келмоқда, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга амалда кўмаклашмоқда. Ўтган давр мобайнида Ғарб давлатлари Потсдам битимининг руҳи ва ҳарфини бир неча марта бузиб, ГФРни қурол-яроғ аслаҳахонасига кескинликнинг ўчмаётган ўчоғига айлантириб, бутунлай бошқача тарзда ҳаракат қилдилар. Улар бугунги кунда ҳам Европа қитъасида тинчликка таҳдид солаётган милитаристик ва реваншчилик тенденцияларни очиқдан очиқ рағбатлантирмоқдалар. Империалистлар Потсдам битимларини халқлар хотирасидан ўчириб ташлашга интилмоқдалар. Уларнинг уринишлари барбод бўлишига ишончим комил.

# ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР • ФАКТЛАР • ШАРҲЛАР

## «ҚОРА ЯШИКЛАР» ЎРГАНИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон граждан авиацияси министрлигининг секретари Сидхунинг айтишича, Ҳиндистоннинг Атлантика океанида ҳалок бўлган авиалайнери қулаб тушган жойдан чиқариб олинган «қора яшиклар» Тромбейдаги Баб номли атом тадқиқот марказига, шунингдек Бомбайдаги фундаментал тадқиқотлар институтига топширилди. Ана шу тадқиқот муассасаларида магнит ленталарни «ўқий оладиган» ва авиалайнер учишининг сўнгги минутларини тиклашга қодир бўлган компьютерлар бор. Компьютерларга киритилган ахборотни ўрганиш чоғида «Эйр Индиа» авиакомпаниясининг, Канада ҳукуматининг (самолёт шу мамлакат территориясидан парвоз қилган эди) ва Америка «Боинг» авиаконцернининг вакиллари ҳозир бўлишади.

Экспертлар олға сурган энг асосли тахминга кўра, самолёт ичида бомба портлаганидан кейин ҳалок бўлган. Бомбани икки сикх террорчиси қўйган бўлиб, улардан бири АҚШ Марказий разведка бошқармасининг собиқ ходими Фрэнк Кэмпер раҳбарлигида Алабама штатидаги махсус машқ марказида кўпорувчилик-террорчилик ишлари бўйича тайёргарликдан ўтган.

(ТАСС).





**ИТАЛИЯ. Римда урушга қарши оммавий намойиш бўлиб ўтди. Унинг қатнашчилари мамлакатнинг янада ҳарбийлаштирилишига қарши қатъий норозилик билдирдилар.**

**«Фамилья кристиана» журналидан олинган суратда намойиш энг ёш қатнашчисининг елкасидаги плакатга «Дунёда вояга етишимга имкон беринг!» деган сўзлар ёзилган.**

**ТАСС фотохроникаси.**

## ТЕНГЛИК, РИВОЖЛАНИШ ВА ТИНЧЛИК УЧУН

НАЙРОБИ. БМТ эълон қилган Хотин-қизлар ўн йиллиги ютуқларини шарҳлаш ва баҳолаш учун жаҳон конференцияси Кения пойтахтида «Тенглик, ривожланиш ва тинчлик» шиори остида очилди. Унинг ишида 150 дан ортиқ мамлакат делегатлари, жумладан СССР делегацияси, шунингдек бир қатор халқаро ташкилотларнинг делегациялари иштирок этмоқда. Улар асримиз охиригача хотин-қизларнинг аҳволини яхшилаш стратегияси ҳақидаги якунловчи ҳужжатни муҳокама қиладилар.

Тенглик, ривожланиш ва тинчлик учун курашни бутун инсониятнинг манфаатлари йўлида бундан буён ҳам давом эттириш зарур, деди конференцияни очиш чоғида Кения президенти Даниэль Арап Мои. БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр хотин-қизларнинг аҳволини мамлакатлар ва халқлар олдида турган сиёсий, иқтисодий ва социал проблемалардан ажратган ҳолда муҳокама қилиб бўлмаслигини таъкидлади.

(ТАСС).

# Хизмат жойи—Афғонистон

**Ёз фасли— Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган қисмлари жангчиларининг тиғиз жанговар ўқиш палласи. Улар кечаю кундуз тинимсиз меҳнат қилиб, тоғ шароитида мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни ўрганмоқдалар. Совет жангчилари кўпинча афғон дўстларига ёрдам қўлини чўзмоқдалар.**

### 1. ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

Гвардиячи капитан П. Концедайлов командирлик қилаётган ремонт бўлинмаси тактик машқ режасига биноан тоғда узоқ вақт бўлиб, янги жойда жанговар техникани тиклаш ишларини бошлаб юбориши керак эди. Гвардиячилар вазифани муваффақиятли бажаришди. Машқ мавзуидан икки бор четга чиқилган бўлса ҳам белгиланган вақтда етиб келишди.

Колонна белгиланган жойга яқинлашай деб қолганда, тепаликнинг нариги томонида кучли портлаш бўлиб, автоматлар тилга кирди. Гвардиячи капитан Концедайлов колоннани дарҳол тўхтатиб, жанговар группа тузди-да, портлаш бўлган жойга йўл олди. Солдатлар кўз олдида фожиали манзара гавдаланди. Афғон ишчилари тушган автобус минага дуч келиб, портлаб кетган. Душманлар шикастланган машинани ва унинг ичидаги ишчиларни автоматдан ўққа тутганлар. Улар совет жангчилари яқинлашиб келаётганини сезиб, шоша-пиша жуфтакни ростлаб, тоғда бекиниб олишган.

Мажақланган автобус ёнида ўлганларнинг жасади ётарди, ярадорлар инграрди. Индивидуал медицина пакетларини олиб, жангчилар дарҳол ярадорларга ёрдамга ошиқдилар. Гвардиячи капитан Концедайлов радио орқали юз берган воқеани хабар қилдида, ярадорларни яқин орадаги қишлоқ касалхонасига жўнатишга қарор берди.

### 2. ЖАНГСИЗ ТАСЛИМ БЎЛИШДИ

Гвардиячи катта лейтенант Владимир Алексеенко командирлик қилаётган бўлинма жангчилари қийин тоғ шароитида биринчи марта ўқув-жанговар машқ вазифаларини бажараётгани йўқ. Машқларда ҳар хил воқеаларга дуч келинган. Лекин буниси биринчи бор юз беряпти...

Мотоўқчилар жуда узоқ машқ қилишди. Колонна тоғ дараси атрофига тарқалганида қоянинг нариги томонида бир гуруҳ душманлар пайдо бўлди. Улар қурол-яроғини ташлаганича, қўлларини кўтаришди. Бўлинма командири бир зум ҳайратга тушди. Лекин дарҳол ўзини тутиб олиб, ҳамма ўз ўрнини эгаллашини буюрди. Гвардиячи кичик сержантлар И. Конин, Н. Донской, В. Петряков ҳамда гвардиячи оддий аскар Ю. Смирнов ўт очиш позицияларини эгаллашди. Лекин қуролни ишлатишга тўғри келмади.

Маълум бўлишича, афғон бўлинмалари душманларни таъқиб этиб, бир неча марта жанг қилишган экан. Душманлар таъқибдан қочаётганида уларнинг йўлидан совет бўлинмалари чиқиб қолибди. Шунда қаршилик кўрсатиш фойдасизлигини тушуниб, қуролни ташлашган ва таслим бўлишган экан.

Тез орада афғон бўлинмалари етиб келди. Асирга олинган бандитлар ва уларнинг қурол-яроғи афғон бўлинмаларига топширилди.

### 3. ХАВФЛИ СОВҒАЛАР

Ниҳоятда ҳаяжонланган афғон боласи совет бўлинмасига келиб, алланималар деб чуғурлар, нуқул тоғ томонни кўрсатарди. Таржимон келгач, ҳамма нарса маълум бўлди. Тоғдаги қишлоқ ёнида икки қизалоқ душман минасига дуч келиб портлабди.

Сапёрлардан сержант Ю. Ковалев, Б. Яблонский, кичик сержант Р. Муҳамадиев ҳамда ефрейтор И. Квалов ҳодиса юз берган жойга юборилди.

Душманлар афғон болаларига ҳақиқатан ҳам ваҳшиёна «совға» юборишибди. Қизалоқлар ичига портлайдиган модда солинган қўғирчоқни оламан деб, ҳалок бўлишибди.

Жангчиларимиз теварак-атрофни диққат билан кўздан кечириб, яна бир қанча хавфли совғаларни зарарсизлантиришди. Шу куни кичик сержант Р. Муҳамадиев олтмишинчи минани зарарсизлантирди.

**А. НИКОНЕНКО,**
**ТАСС мухбири.**

Совет қўшинларининг Афғонистондаги чекланган қисмлари.

# РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### СИГИРЛАРГА АТАЛГАН ЗИРАК

**● Англияда сигирлар учун зирак ишлаб чиқарила бошланди. У зараркунанда ҳашаротларни қирувчи модда шимдирилган винилхлориддан тайёрланмоқда. Бу препаратнинг таъсири шунчалик кучлики, пашша, чивин ва сўналар жониворни чақишга улгурмасданоқ ҳалок бўлади. Таъсир кучини тўрт ойгача сақлайдиган бу восита кишилар ва уй ҳайвонлари учун зарарсиздир.**

### ҒАЛАТИ ПЛАСТИРЬ

**● Маълумки, кемада сузилаётганда ёки самолётдаги парвоз чоғида баъзи кишиларнинг боши айланиб, кўнгли беҳузур бўлади. Ана шундай вақтда қулоқ орқасига икки тийинлик тангадек пластирь ёпиштириб олинса, ҳеч қандай безовталик сезилмайди. Бундай пластирни Швейцариянинг «Циби-Чейги» фирмаси мутахассислари ишлаб чиқишди. У кўнгил айнишининг олдини олувчи скополамин моддаси билан тўйинтирилган бўлиб, бу модда маълум миқдорда териға шимилиб боради ва бош айланиши, кўнгил айнишига йўл қўймайди.**

# ОБ-ҲАВО

**Синоптикларнинг хабар қилишларича, яқин кунлар ичида Ўзбекистонда ҳавонинг бир оз булутланиши кутилади, ёғингарчилик бўлмайди. Тошкент области ва Фарғона водийсининг тоғли районларидагина қисқа муддатли ёмғир ёғиб ўтиши ва момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Шимоли-ғарбдан секундига 9— 14 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси 17—22, жанубда эса 25 даража, кундузи 31—36, жанубда 39 даражагача иссиқ бўлади.**

**Тошкентда ҳаво бир оз булутланиб, ёғингарчилик бўлмайди. Шимоли-ғарбдан секундига 7—12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат бир оз пасайиб 18—20 даража, кундузи 33— 35 даража иссиқ бўлади. (ЎзТАГ).**

«Совет Ўзбекистони»нинг навбатдаги сони 19 июлда чиқади.

Редактор ўринбосари
Б. ЮСУПОВ.

